

_____ - сонли техник сув таъминоти

ШАРТНОМАСИ

_____ 20__ й. _____

“Навоийуран” Давлат Корхонаси, матнинг давомида “Таъминотчи” деб аталадиган, _____, 20__-йил _____ санасида берилган _____-сонли ишончномага асосан имзолловчи _____ бир томондан ва матнинг давомида “Истеъмолчи” деб аталадиган, _____ имзолловчи _____ иккинчи томондан, мазкур шартномани тузишди:

1. Шартнома мавзуси

1.1. “Таъминотчи”, “Навоийуран” Давлат Корхонаси “Истеъмолчига” техник суви етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса мазкур шартномада белгиланган техник сувини қабул қилиш “Навоийуран” Давлат Корхонаси учун амалдаги нархлар бўйича тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. Шартноманинг қабул қилиш умумий суммаси, ҚҚСни ҳисобга олганда _____ (_____) сўмни ташкил қилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. “Таъминотчи” 20__ йил 1 январ санасидан 20__ йил 31 декабр санасига қадар бўлган даврда “Истеъмолчи”га техник сувини қуйидаги миқдорларда етказиб бериш мажбуриятини олади:

Ой, чорак	Сув миқдори (м ³)	Ой, чорак	Сув миқдори (м ³)
I чорак		III чорак	
январь		Июль	
февраль		Август	
март		сентябрь	
II чорак		IV чорак	
апрель		Октябрь	
май		Ноябрь	
июнь		Декабрь	
20__ йил учун жами: _____		м ³	

Юқорида белгиланган ойлик сув миқдоридан кўп истеъмол қилганлиги учун юридик шахслардан амалдаги тарифларга нисбатан оширувчи коэффициентни 10,0 карра кўллаган ҳолда тўлов ундирилади.

2.2. Етказилган сувни ҳисоблаш фақат, “Хизмат кўрсатиш чегараси тўғрисида”ги далолатномага мувофиқ, кириш беркитгич арматураси яқинидаги сув ўлчаш узелида ўрнатилган сув ҳисоблагичлар орқали амалга оширилади. Сув ҳисоблагичларни сотиб олиш, уларни ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш “Истеъмолчи”нинг ҳисобидан амалга оширилади. Сув ҳисоблагичлар “Таъминотчи” томонидан белгиланган тартибда тамғаланади. Тегишли давлат кўригидан ўтказилган, тамғаланган сув ҳисоблагичларнинг сақланиши ва созлиги учун “Истеъмолчи” зиммасига юклатилади. Сув ҳисоблагич “Истеъмолчининг” айби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда носоз бўлганида сарфланган сувнинг миқдори сув ҳисоблагичларнинг охириги ой учун кўрсатишларидан ташқари, ҳисоб-китоб қилинадиган аввалги уч ой учун ўртача сарф бўйича аниқланади. Бундай ҳисоблашлар тартиби янги сув ҳисоблагич ўрнатилгунига қадар, лекин кўпи билан бир ой муддатга сақланади. Агар сув ҳисоблагич кўрсатилган муддат ичида ўрнатилмаган бўлса, унда сарфланган сувнинг миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q = M \cdot F \cdot t \cdot \sqrt{2 \cdot g \cdot H}$$

шу ерда:

M – 0,6-0,62 га тенг бўлган, задвижка (сурилма қопқоқ) орқали сувнинг сарфланиш коэффициенти;

F – суюқлик оқиб чиқадиган қувур ёки туйнук кесимининг юзаси (ички диаметр бўйича) m^2 ;

g – $9,8m/сек^2$ га тенг бўлган эркин тушиш тезланиши;

t – вақт, сек;

H – сув босими, м.с.у.устуни.

ва “Истеъмолчининг” молиявий-хўжалик фаолияти ҳисобига бир ойдаги календарь (тақвим) кунларининг сони бўйича суткада 24 соат давомида қувурнинг тўлиқ кесими билан ишлашидир.

2.3. “Истеъмолчи” ҳисобот оyi тугашига 5 кун қолганида сув ҳисоблагичларнинг кўрсатишларини тегишли таққослаш далолатномасини тузиш орқали сувнинг истеъмол қилинган ҳажмини “Таъминотчига” тақдим қилиши керак.

2.4. “Истеъмолчи” ҳисобот оyi тугаганидан кейин, келгуси оyнинг 5 санасига қадар ўзаро ҳисоб-китобларни таққослаш далолатномасини “Таъминотчи” бухгалтериясида белгиланган тартибда расмийлаштириши ва 100% олдиндан тўловларни амалга ошириши керак.

2.5. “Истеъмолчи” сув ҳисоблагичларнинг ишидаги барча носозликлар ва бузилишлар тўғрисида, шунингдек тамғаларнинг узилиши ёки бутунлигининг бузилиши тўғрисида носозлик ёки бузилиш аниқланган пайтдан бошлаб бир сутка давомида “Таъминотчига” ёзма равишда хабар бериши керак.

2.6. “Истеъмолчининг” айби билан сув ҳисоблагичлар ишдан чиққан ҳолда ва бу тўғрисида “Таъминотчига” хабар қилинмаганида сарфланган сувнинг миқдори сув учун охирги ҳисобот тузилган пайтдан бошлаб, юқорида кўрсатилган формула бўйича аниқланади.

2.7. Шахсий эҳтиёжлар учун суви етмай қолган вақтда “Таъминотчи” 7 кун ичида “Истеъмолчини” огоҳлантирилган ҳолда сувни етказиб бериш бир томонлама тартибда тўхтатишни амалга ошириш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл санасидаги 194-сонли Қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари” асосида).

2.8. “Истеъмолчининг” айби билан тармоқдан узилганда, қайта улаш қарздорлик тўланганидан кейин, аванс тўлови киритилганидан кейин, шунингдек тегишли калькуляцияга мувофиқ, “Истеъмолчининг” ҳисобидан амалга оширилади.

2.9. “Таъминотчининг” вакили томонидан “Истеъмолчининг” сув ҳисоблагични назоратини имконияти таъминлаб берилмаганида сув сарфи аввалги уч ой учун ўртача сарф бўйича ҳисоблаб чиқилади. Агар сув ҳисоблагичнинг кейинги (набатдаги) кўрсатишларини қайд қилиш вақтига қадар “Истеъмолчининг” сув ҳисоблагичдан фойдаланиш имконияти тақдоран таъминланмаган бўлса, унда сарфланган сувнинг миқдори юқорида кўрсатилган формула бўйича аниқланади.

2.10. Сув ҳисоблагичларга қадар ўрнатилган жумракларни ишлатилиши фақат “Истеъмолчи” томонидан амалга оширилади. “Таъминотчи” томонидан кўйилган тамғалар бутунлигини бузилиши аниқланган ҳолда “Истеъмолчи” юқорида кўрсатилган формулага мувофиқ, истеъмол қилинган сув ҳажми учун ҳисоб-китоб қилишни амалга ошириши лозим. Сув ҳисоблагичнинг текширилиш муддати ўтиб кетган тақдирда (“Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари” асосида), давлат текширувидан ўтказиш бажарилмаганида ёки муддати ўтказиб юборилгани аниқланганида истеъмол қилинган сув ҳажми учун ҳисоб-китоб қилиш юқорида кўрсатилган формулага мувофиқ амалга оширилади.

2.11. Техник сувининг нархи, Навоий вилояти ҳокимлиги Молия Бош бошқармасининг 2020 йил 25 декабр санасидаги ТМ-12-86-2020 – сонли реестрига мувофиқ шартномани тузиш вақтида ҚҚСни ҳисоблаш билан 1 куб метр учун _____ (_____) **сўмни** ташкил қилади. Сув қиймати тарифлари ўзгарган ҳолда улар амалга жорий қилинган пайтдан бошлаб янги тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади. Янги тарифлар амалга жорий қилинган санадан бошлаб, илгари тасдиқланган тариф ўз кучини йўқотади.

2.12. “Истеъмолчи” жорий ойнанг охириги санасидан кечиктирмасдан “Таъминотчининг” ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан ёки “Таъминотчининг” кассасига нақд пул тўлаш йўли билан келгуси ой учун олдиндан тўлашни 100 фоиз амалга ошириши керак.

2.13. “Истеъмолчи” фойдаланилган сув ҳажмига асосланиб, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мустақил равишда тўлайди.

2.14. “Истеъмолчи” сувнинг сарфланишини назорат қилиши ва сувнинг исроф бўлишини камайтириш бўйича чоралар кўриши керак.

2.15. “Истеъмолчи” сув тармоқларининг техник ҳужжатларини мазкур шартномага илова қилиши керак.

2.16. Сув билан таъминлаш хизматларидан фойдаланишдан воз кечиш ёки хизматлар ҳажмини камайтириш тўғрисида “Истеъмолчи” бир ой олдин “Таъминотчига” расмий равишда хабар қилиши керак.

2.17. “Таъминотчи” “Истеъмолчини” олдиндан ёзма равишда огоҳлантириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл санасидаги 194-сонли Қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”нинг 127-бандида назарда тутилган ҳолларда кўпи билан 2 суткалик муддатда сув беришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга.

2.18. “Таъминотчи” куйидаги ҳолларда “Истеъмолчига” олдиндан хабар қилмасдан сув таъминотини тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

- муддати ўтиб кетган дебитор қарздорлик мавжуд бўлганида;
- сув истеъмол қилиш лимити ошиб кетганида;

3. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1. Томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ белгиланади.

3.2. Шартномада белгиланган тўлов муддатларининг ҳар бир ўтказиб юборилган куни учун юридик шахслар 0,4 фоиз миқдорда, жисмоний шахслар 0,1 фоиз миқдорда, лекин муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг кўпи билан 50 фоизи миқдорида пеня ҳисобланади.

3.3. “Истеъмолчи” сув ҳисоблагичлар ва тамғаларнинг сақланиши учун жавобгар бўлади. Сув ҳисоблагичнинг ишидаги барча носозликлар ва бузилишлар тўғрисида, шунингдек тамғаларнинг узилиши ёки бутунлигининг бузилиши тўғрисида зудлик билан “Таъминотчига” хабар қилиш керак.

3.4. “Истеъмолчи” “Таъминотчининг” назорати остида жиҳоз (ускуна)лар, назорат-ўлчаш асбоблари ва ички сув тармоқларини таъмирлаш ва созлашни ҳар йили бажариш мажбуриятини олади.

3.5. “Таъминотчи” ва “Истеъмолчининг” сув бериш бўйича жавобгарлик доираси икки томонлама келишилган “хизмат кўрсатиш чегараси” тўғрисидаги далолатнома билан белгиланади.

3.6. Мазкур шартнома бўйича томонлар ўртасидаги пайдо бўладиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Томонларнинг музокаралар билан ҳал этилмаган барча низолар ва келишмовчиликлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳал қилинади.

4. Коррупцияга қарши бандлари

4.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда, Томонлар, уларнинг филиаллари, директорлари, мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа вакиллари пул маблағлари ёки қийматларни тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар, осонлаштирайдилар ва/ёки уларга рухсат бермайдилар, тўғридан-тўғри ёки билвосита, ҳар қандай шахслар томонидан ҳар қандай ноқонуний афзалликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун ушбу шахсларнинг ҳаракатларига ёки қарорларига таъсир қилиш. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг филиаллари, директорлари, мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа вакиллари

Шартнома мақсадлари учун қўлланиладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган пора бериш/олиш, тижорат порахўрлик каби ҳаракатларни амалга оширмайдилар. шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жинойтдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузувчи ҳаракатлар

4.2. Агар Томон Шартноманинг ушбу бўлимининг ҳар қандай қоидалари бузилган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон бузилиш содир бўлмагани ёки рўй бермаслиги тасдиқланмагунча Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома олинган кундан бошлаб 14 календар кун ичида юборилиши керак.

4.3 Агар Томонлардан бири ушбу бўлимда тақиқланган ҳаракатлардан воз кечиш бўйича ўз мажбуриятларини бузса ва/ёки бошқа Томон шартномада кўрсатилган муддатда бузилиш содир бўлмагани ёки рўй бермаслиги тўғрисида тасдиқнома олмаса, бошқа Томон шартномани бекор қилишга ҳақли. Шартномани бир томонлама равишда тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида ёзма хабарнома юбориш орқали. Шартноманинг ушбу бўлими қоидаларига мувофиқ ташаббуси билан бекор қилинган томон бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

5. Форс-мажор

5.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар рўй берганда, чунончи: ёнғин, тошқин, zilzila ёки бошқа табиий офатлар, уруш, ҳукумат қарорлари натижасида юз берган бўлса, агар бу вазиятлар мазкур шартномани бажаришга бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

5.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар бошланганлиги тўғрисида томонлар бу вазиятлар бошланганидан кейин 3 кун муддат ичида бир-бирига хабар қилади.

5.3. Форс-мажорли вазиятлар бошланишининг аниқлиги Ўзбекистон Республикасининг ваколатли ташкилоти томонидан тасдиқланади. Бу вақтда ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати баргараф қилиб бўлмайдиган кучли вазиятларнинг таъсир этиш муддатига чўзилади.

5.4. Форс-мажорли вазиятлар тўғрисида хабар қилишда эътиборсизликка йўл қўйиш, хабар қилишни 3 кундан ортиқ муддатга кечиктириш ва ваколатли ташкилотнинг тасдиқномасини форс-мажорли вазиятлар бошланган пайтдан бошлаб 25 кун ичида тақдим қилмаслик томонларни ўз мажбуриятларини бажармаслик сабабини оқлаш учун юқорида кўрсатилган вазиятларни далил қилиб кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

6. Бошқа шартлар

6.1. Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолларда томонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл санасидаги 194-сонли Қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”га риоя қилади.

6.2. Банк реквизитлари, почта ва юридик манзиллари ўзгарган ҳолда томонлар бу тўғрисида бир-бирига дарҳол ёзма равишда хабар қилиши керак.

6.3. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган тегишли қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан киритилади.

6.4. “Таъминотчи” истеъмол қилиш масалаларини, ажратилган лимитларни тартибга солиш учун, шунингдек “Истеъмолчининг” сувдан оқилона фойдаланишини тўсатдан ва мақсадли текширишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

7. Шартноманинг амал қилиши

7.1 Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 31 декабрь 20__ йилгача амал қилади. Шартноманинг амал қилиш муддатининг тугаши томонларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

7.2 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

8. Томонлар реквизитлари

**“Таминотчи”
ДК “Навоийуран”**

“Истеъмолчи”

210100 Навоий ш., Инспектор кўчаси 7 уй

БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

ТИФ Узмилий банк АЖ “Навоий амалиёти”

Банк хизматлари маркази

х/р 20210000900305623001

МФО: 00450

ИНН: 201204514

ОКЭД: 07210

НДС тўлов коди 312010031235

“Навоийуран” ДК

“Истеъмолчи”

ижрочи: _____

телефон: _____